

## АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ – НАВОИЙШУНОС ОЛИМ

Севинч Омонова

Навоий ижодини ўрганиш, навоийшунослик фанининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шоир ғазалларига замондошлари томонидан битилган назира, ўхшатма, тахмислар улуғ санъаткор шаънига мадҳия, қасидалар, унинг асарлари қўлёзма холида қайта-қайта кўчирилиши, вафоти муносабати билан ёзилган марсия-таърихлар ҳам навоийшунослик тушунчаси доирасига киради. Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ, Мирхонд, Сом Мирзо, Восифий, Бобур тазкира ва илмий-бадий асарларида улуғ шоир ҳаёти ва ижтимоий фаолияти хусусида, асарларининг ғоявий мазмунини тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Буларнинг барчаси шоир меросини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўтган XX аср ичида ўзбек навоийшунослик фани катта ютуқларни қўлга киритди. Энг аввало, шоир асарларини тўла томлиги нашр этилди. Алишер Навоий асарларининг мантларидан назарий тадқиқотларга қадар, булар – барчаси соҳанинг муҳим ютуқларидандир. Бу тадқиқотларнинг кўлами шу қадар кенги, бугунги кунда биз адабиётшунослигимиз таркибида унинг ажралмас қисми – навоийшунослик фани бир мактаб сифатида<sup>1</sup> шаклланганлигини кўрамиз. Навоий ижоди ва поэтикасини ўрганиш борасида Фитрат, С.Айний, О.Шарафиддинов, Ҳ.Сулаймонов, М.Шайхзода, Ойбек, Уйғун, Н.Маллаев ҳамда И.Султонлар томонидан амалга оширилган ишлар фикримизга далил бўлади. Булардан кейинги авлод вакиллари орасида Навоий ижодини холис ўрганишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олимлардан адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўрни ўзига хосдир.

Абдуқодир Ҳайитметов серқирра илмий ва ижодий фаолияти давомида ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиёти, адабиётшуносликнинг назарий масалалари, матншунослик ва манбашуносликка доир кўплаб тадқиқотларни амалга оширди. Профессор Т.Мирзаев бир ўринда: «Зукко олим Абдуқодир Ҳайитметов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У бу йўлда нимагаки эришган бўлса, буларнинг барчаси, ўзбек адабиётшунослиги тараққиётининг муайян жиҳатларини ўзида тўла акс эттириб, фаннинг бу соҳаси ривожига арзирли ҳисса бўлиб қўшилган»<sup>2</sup>лигини қайд этади.

Таниқли навоийшунос олим, ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиётининг зуқко билимдони Абдуқодир Ҳайитметов илм –фан заҳматкашларидан бири эди. Серқирра фаолият соҳиби Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий қизиқишлар доираси ғоятда кенг бўлиб, у ўзбек адабиёти тарихи ва ҳозирги адабиёт масалалари, адабиёт назарияси, адабий алоқалар, матншунослик ва манбашунослик муаммолари билан барабар шуғулланиб келди. Аммо унинг илмий фаолиятида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижоди ва поэтикасини ўрганиш асосий ўрин тутди.

<sup>1</sup> Ғаниева С. Навоийшунослигимизнинг муҳим ютуғи. Ўзбек тили ва адабиёти журналы, №1/ 1966й. 70-бет.

<sup>2</sup> Т.Мирзаев. Зукко олим. Мўлоқот журналы, № 6/ 1996й. 45-бет.

Бу борадаги олимнинг дастлабки мақолалари 50-йиллардаёк нуфузли нашрларда эълон этила бошланди. Хусусан, «Алишер Навоий поэтик маҳорат ҳақида»(1958), «Мажолис ун-нафоис» ҳақида мулоҳазалар» (1958), Москвада чоп этиладиган «Народы Азии и Африки» журналида «Алишер Навоий шахмат ҳақида», «Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда қимматли манба», «Алишер Навоийнинг сарбадорларга муносабати» сингари долзарб мақолларида шоир фаолиятининг турли қирралари тадқиқ этилган.

Илмий теранлик, кенг мушоҳада, фикр-мулоҳазаларнинг мантиқчилиги, ҳар бир адабий ҳодисага хос жиҳатларни аниқ, лўнда ёритиб бериш олимнинг бутун илмий фаолиятига хос фазилатдир.

Абдуқодир Ҳайитметов тўла маънода навоийшунос олим. Унинг илк илмий кузатиш ва тадқиқотлари Навоий ҳаёти ва ижодиётини ўрганишга бағишланганди. Олимнинг дастлабки мақолаларидан бири «Навоий поэтик маҳорат ҳақида»<sup>3</sup> деб номланиб, муаллиф «Мажолис ун-нафоис» орқали Навоийнинг поэтик маҳорат ҳақидаги қарашларини текширади. Бу ўринда Навоий адабиётшунослигида илгари сўрилган поэтик маҳорат, адабиётнинг ижтимоий вазифаси, шакл ва мазмун, анъана ва ўзига хослик ҳақидаги фикрлари унинг турли асарларида мавжудлигига эътибор қаратилади. Олим: «Навоийнинг поэтик маҳорат ҳақидаги фикрлари умумий, абстракт фактлар билан эмас, балки реал фактлар билан, ўз салафлари, айниқса замондошлари ижоди билан яқиндан боғлангани учун ҳам қимматлидир»<sup>4</sup> деган хулосага келади. Алишер Навоийнинг адабий- танқидий қарашлари, умуман шоирнинг адабиётшуносликка доир фаолияти олим диққатини жалб этди. Натижада шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади, «Алишер Навоийнинг адабий- танқидий қарашлари» номли монографиясини эълон қилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, асримизнинг 30-40 йилларида навоийшунослик ўз диққат эътиборини кўпроқ библиографик масалаларга қаратган эди. 50-60 йиллардан эътиборан улуғ шоир ва мутафаккир меросининг муҳим масалаларини тадқиқ этишга киришилди. Адабий-эстетик дунёқараши, санъаткорлик даҳоси, ижодий услуби, тили, традиция ва ўзига хослик, жанрлар тақомили каби жиҳатлар кенг ва атрофлича ўрганила бошланди. Олим мана шундай ниҳоятда оғир ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олди ва уни тўла уддасидан чиқди. Олимнинг бу иши унинг навоийшунос сифатидаги шўхратини оширди. Ойбек таклифи ва раҳбарлигида амалга оширилган бу тадқиқот ўзбек навоийшунослик илмига ютуғ бўлиб қўшилди.

Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида адабий ҳодиса, адабий жанрларга муносабат, айниқса, «Мажолис-ун-нафоис», «Хамса» асарларидаги адабий- танқидий фикр ва муносабатлар мавжуд. Олим асосий эътиборни Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари ва поэтик ижодининг эстетик принциплари таҳлилига қаратади. Навоийнинг эстетик қарашлари доирасига кирган бир қатор масалалар:

<sup>3</sup> Ҳайитметов А. Навоий поэтик маҳорат ҳақида. Шарқ юлдузи №5 / 1958й. 143-151 бетлар.

<sup>4</sup> Ўша асар, 98-бет.

адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ва эстетик аҳамияти, шакл ва мазмун бирлиги, бадий маҳорат, анъана ва новаторлик, адабий жанрлар шулар жумласидан.

«Навоий адабий танқидчилигида илгари сурилган биринчи энг муҳим масала адабиётнинг ижтимоий роли, адабиётнинг халқчиллик масаласи бўлиб, Навоий бунинг учун изчил равишда курашди. Навоий танқидчилигида илгари сурилган бошқа барча масалалар адабиётнинг ижтимоий аҳамияти ва халқчилиги масаласидан келиб чиқади».<sup>122</sup> Ҳеч шубҳасиз, бу каби мулоҳазалар ҳозирги адабий жараён учун ҳам аҳамиятдан холи эмас.

Навоий лирикасининг тадрижий тараққиёти, унинг мавзу кўлами, образлар тизими, санъаткорлик маҳорати каби масалаларни ўрганишга бағишланган «Навоий лирикаси» китоби ҳам «Навоий лирикасининг муҳим хусусиятларини ёритган дастлабки йирик тадқиқотлардан бири сифатида аҳамиятлидир».<sup>123</sup> Шоир лирикасига доир текширишлар М.Шайхзода, Ойбек, Уйғун, Ё.Исхоковлар ишларида ҳам ўз аксини топган. Шундай бўлишига қарамай олимнинг мазкур китоби Навоий лирикасига доир яхлит тадқиқот сифатида ажралиб туради. Хусусан, Озарбайжон адабиётшуноси Акрам Жаъфар «Навоий лирикаси» китоби ҳақида: «Яқин Шарқ халқлари, биринчи навбатда туркий халқлар поэтикасига қўшилган катта ҳисса ва бу соҳада олға қўйилган катта қадамдир»,<sup>124</sup> деб ёзган эди.

Олимнинг «Навоий лирикаси» китобида шоир ижодиётининг чўққиси бўлган ғазал ва унинг ўзига хос жиҳатлари, лирикасининг мавзу ранг-баранглиги, хусусиятлари, образлар тизими тўғрисида мулоҳазалар ҳамда шоирнинг Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби- «Маснавий»си таҳлили талқинини ўз ичига олади. А.Ҳайитметов назарий олим сифатида Навоий ғазалларидаги айрим байт ва мисраларда жамланган маъно ва моҳиятни, ғазалнинг бутун руҳини ташкил этган ички қувватни текширади, шу боисдан ҳам уни яхлит ҳолда таҳлил қилади ва кенг умумлашма хулосалар чиқаради. Шунини алоҳида кайд этмоқ ўринлики, Абдуқодир Ҳайитметов шоир ғазаллари таҳлили жараёнида айрим адабиётшунослар каби у ёки бу ғазалдан олинган айрим мисралар ва байтларни эмас, балки бутун-бутун ғазалларни таҳлилга тортади. Негаки, «ғазал ўзбек адабиёти тарихида катта ўрин эгаллаган, ўз қонун қоидаларига эга бўлган бир бутун бадий асардир».<sup>125</sup>

Ғазалларнинг мавзу ва композицион тузилиши, генезиси ҳамда тадрижий ривожлиниш босқичлари тадқиқотчи томонидан нозик кузатилади ва эътиборли фикрлар баён қилинади. Ғазал ва унинг мавзу доираси кенглиги ҳақида тўхталиб, Қабул Муҳаммад ва бошқаларнинг бу борадаги фикрларини рад этади: «Қабул Муҳаммад ва бошқалар ғазал фақат ишқий мазмунга эга бўлади деган фикрлари

<sup>122</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. «Фан», Т., 1959. 195-бет.

<sup>123</sup> Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. «Фан», 1978. 50-бет.

<sup>124</sup> Иқтибос қўйидаги манбадан олинди: Ё.Исхоков. Абдуқодир Ҳайитметов. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, №4 1968.70-бет.

<sup>125</sup> Валихўжаев.Б. Навоий лирикаси ҳақида тадқиқот. «Ўзбек тили ва адабиёти журналы». -№1, 1963.74-бет.

ҳақиқатга асло тўғри келмайди, буни Ҳофиз, Навоий каби лириклар ижодида яққол кўриш мумкин».<sup>126</sup>

Абдуқодир Ҳайитметов адабий мерос тарихи ва назарий масалаларни ўрганиш билан изчил шуғулланиб келди. Унинг «Навоий даҳоси»(1970), «Ҳаётбахш чашма» (1974), «Табаррук излар изидан» (1979), «Мерос ва ихлос»(1985) сингари китоблари, мустақиллик йиллари эълон қилинган «Навоийхонлик сўхбатлари» (1993), «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» (1996), «Адабий меросимиз уфқлари» (1997) каби мақолалар тўпламларида адабиётимизнинг долзарб масалаларига эътибор қаратилган.

Устоз олимлар ижодий лабораториясини, уларнинг илмий тадқиқот усулларини ўрганиш эртанги кун илм-фан уфқларини белгилайди. Профессор А.Ҳайитметовнинг илмий –ижодий ҳамда адабий меросини ўрганиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а)Ўзбек мумтоз ва Шарқ адабиёти тарихи, назарий масалалари тадқиқи;
- б)Навоий ижоди ва фаолиятини ўрганиш;
- в)Матншунослик ва манбашунослик юзасидан амалга оширган ишлар кўлами;
- г)XX аср ва замонавий ўзбек адабиётига доир тадқиқотлар;
- д)Бадиий ижод (шеърят, насрий асарлар).

Абдуқодир Ҳайитметов илмий тадқиқотларида кўтарилган ҳар бир масала алоҳида махсус ўрганишни, унинг илмий ва адабий меросини монографик жиҳатдан ёритишни талаб қилади. Олим ўз умри давомида жуда кўп ишларни амалга оширди. Унинг тадқиқотлари фақат сони билангина эмас, сифати билан ҳам қимматли. Атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов учрашувлардан бирида Абдуқодир Ҳайитметов амалга оширган ишларни ўрни-ўрни билан қўйиб чиқилса, Навоий қомуси юзага келади, деган эди. Дарҳақиқат, камтарин инсон, заҳматкаш олим, фидойи мураббий Абдуқодир Ҳайитметов ўз ижодий фаолияти давомида Навоий ижодиёти ва мумтоз адабиётимизнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослиги илмига қўшилган муносиб ҳиссадир.

<sup>126</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент «Фан», 1961. 70-бет.